

___сонли КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш.

“___” _____ 20__ йил

«ASIA ALLIANCE BANK» Акциядорлик Тижорат Банки, бундай кейин “Банк” деб юритилади, _____га мувофиқ фаолият юритувчи, _____ Бошқарув Раиси сифатида, биринчи томондан, ва “_____” МЧЖ, бундан кейин “Қарз олувчи” деб номланади, уставга мувофиқ фаолият юритувчи, _____ Директори сифатида, иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар” деб номланувчилар, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Банк Қарз олувчига кредит линия очмасдан _____ мақсадлари учун, кредитни ўзлаштиришнинг биринчи кунидан бошлаб, _____ (_____) муддатга бир йиллик (олти ойлик, уч ойлик) имтиёзли давр билан _____ (_____) АҚШ доллари) миқдорида кредит маблағларини тақдим этади.

1.2. Кредит, _____ (кейинги ўринларда “ХТТБ”) томонидан тақдим этилган маблағлар ҳисобидан, куйидаги ҳужжатларга мувофиқ тақдим этилади:

- _____;
- _____;
- _____;

1.3. Кредит валютаси: - **АҚШ доллари.**

2. Кредит бериш ва тўлаш тартиби

2.1. Қарз олувчининг кредит лойиҳаси Агентлик ва ХТТБ томонидан тасдиқланиши ва ушбу ташкилотлар томонидан тасдиқланган лойиҳа доирасида зарур миқдордаги маблағларни Банкга ўтказилишидан сўнг Қарз олувчига алоҳида ссуда ҳисоб рақами орқали унинг тўлов ҳужжатлари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда кредит ажратилади.

2.2. Кредитнинг фойдаланиш муддати, ХТТБнинг махсус ҳисобварағидан кредит маблағлари олинган кундан бошлаб _____ (_____) ойни ташкил этади.

2.3. Агар ХТТБ ҳамда Агентлик томонидан Қарз олувчининг лойиҳасини кредитлаш рад этилса:

А) Қарз олувчи Банк сўровини олган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида банк томонидан талаб қилинган қўшимча маълумот/ҳужжатлар тақдим этишга мажбур, ёки

Б) ушбу кредит шартнома автоматик равишда ўз кучини йўқотади.

2.4. Кредит маблағлари ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган Кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ кредит валютасида қайтарилади. Кредитни қайтариш жадвали банк томонидан, ушбу шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган шартлари бўйича тузилади ва кредитни ўзлаштиришнинг биринчи кунидан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Қарз олувчига юборилади. Қарз олувчи томонидан Кредитни қайтариш жадвалининг ўз вақтида имзоланмаслиги ёки имзолаш жараёнининг кечиктирилишига қарамасдан, Банк томонидан тақдим этилган кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ кредитни қайтариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади.

2.5. Агар кредит бўйича асосий қарзни қайтариш ва фоизларни тўлаш саналари банк иш кунига тўғри келмаса, унда тўловлар кейинги банк иш кунига ўтказилади.

2.6. Агар қарз олувчи кредитнинг асосий қарзини Кредитни қайтариш жадвали бўйича белгиланган муддатда қайтармаса, Банк қарзнинг тўланмаган қисmini муддати ўтган кредитлар ҳисобига ўтказди. Қарз олувчи муддати ўтказиб юборилган қарз мажбуриятларининг ҳар бир куни учун ушбу шартноманинг 3.2-бандига мувофиқ равишда фоизлар тўлайди.

2.7. Агар ХТТБ ва/ёки Агентлик томонидан бирон-бир сабабга қўра Қайта кредитлаш Келишуви бўйича Банкга кредит маблағларини ажратилиши тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиладиган бўлса, Қарз олувчининг кредит ўзлаштирилиши ҳуқуқи бир вақтнинг ўзида тўхтатилади ёки тугатилади.

3. Кредит учун тўлов

3.1. Банк, кредит маблағларининг амалдаги қолдиғига куйидаги фоиз ставкаларидан келиб чиқиб ҳисоблайди: _____ %. Ҳисобланган фоизлар кредит олинган валютада тўланади.

3.2. Кредитни қайтариш жадвалига кўра асосий қарзни қайтариш муддати бузилган тақдирда, Банк ҳақиқатда муддати ўтказиб юборилган асосий қарзга кредит бўйича ўрнатилган фоиз ставкасининг 1,5 баробари миқдорида оширилган фоиз ҳисоблайди. Ҳисобланган фоизлар кредит олинган валютада тўланади.

3.3. Фоизлар, кредитни ўзлаштиришнинг биринчи кунидан бошлаб, кредит маблағларининг амалдаги қолдиғига, кунлик равишда (иш кунининг якунида), ҳар ойнинг ҳақиқатдаги кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда йилнинг 360 кун ҳисобида ҳисобланади.

3.4. Қарз олувчи, кредит ўзлаштирилиши сонидан катъий назар, кредитнинг ўзлаштирилиши биринчи кунидан бошлаб ҳар 6 ойда бир марта, Банкка ушбу шартномага мувофиқ кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизларни тўлайди.

3.5. Ҳисобланган фоизлар белгиланган муддатда тўланмаган ҳамда улар бўйича муддати ўтган қарздорликлар юзага келган ҳолларда Қарз олувчи Банкка кечиктирилган ҳар бир кун учун, кечиктирилган тўлов суммасининг ____ % миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Ҳисобланган пеня тулов кунидagi ЎЗРМБ курси бўйича миллий валютада тўланади.

3.6. Кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни қоплаш, Банк томонидан Қарз олувчининг тўлов топшириқномаларини бажариш, Банкнинг тўлов талабномалари ва/ёки мемориал ордери орқали Қарздорнинг депозит ҳисобварағидан маблағларни мустақил равишда ечиб олиш йўли билан амалга оширилади.

3.7. Агар ушбу шартнома бўйича қарздор томонидан пул мажбуриятларини бажариш кунида тўланиши лозим бўлган маблағлар Банкнинг тегишли ҳисоб рақамида бўлмаса ёки келиб тушмаса, кредитни қайтариш ва ундан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизларни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида Қарз олувчи Банкка банкдаги ва бошқа банкларда очилган ҳисоб варақлардаги маблағларини қарздорликларни қоплаш учун йўналтиришга ҳамда ечиб олишга топшириқ берган деб тан олинади.

3.8. Қарз олувчи ҳисоб рақамига келиб тушадиган маблағлар унинг ушбу шартнома бўйича қарздорликларни қоплаш учун қуйидаги тартибда йўналтирилади:

- пеняларни қоплаш бўйича кечиктирилган тўловлар;
- кредит фоизлари бўйича кечиктирилган тўловлар;
- кредитнинг асосий қарзини қоплаш бўйича кечиктирилган тўловлар;
- муддати ўтган асосий қарзга кўпайтириб ҳисобланган фоизлар бўйича тўловлар;
- кредит бўйича муддатли фоизлар тўловларини қоплашга;
- кредит бўйича муддатли асосий қарзни сўндириш учун тўловлар.

3.9. Асосий қарзни қайтариш бўйича мажбурият кредитни қайтариш жадвалида белгиланган муддатлардан олдин бажарилиши мумкин.

Кредитни қайтариш жадвалида белгиланган муддатлардан олдин асосий қарзни қайтариш учун келиб тушган тўловлар, Банк томонидан кредитни қайтариш жадвалида белгиланган ва муддати бўйича яқин қолган мажбуриятларни қоплашга йўналтирилади.

3.10. Қарз олувчи банкка қуйидаги тўловларни тўлайди:

- кредит маблағининг ____% миқдорида бир марталик комиссия. Тулов кунидagi ЎЗРМБ курси бўйича кредит шартномаси тузилган санадан бошлаб 30 кун ичида, лекин кредитнинг ўзлаштирилиши биринчи кунидан кечиктирмасдан, миллий валютада тўланади.

- йилик ____% миқдорида кредитнинг ўзлаштирилмаган қисми учун комиссия. Комиссия қуйидагича ҳисобланади: Агентлик хабарномасида кўрсатилган ХТТБ ҳисоб рақамидан Қарз олувчининг кредит лойиҳаси доирасида кредит маблағлари ўтказиб берилган санадан бошлаб Қарз олчи томонидан кредитни тўлиқ ўзлаштирилган кунигача бўлган даврга ҳисобланади ва ҳар олти ойда фоиз тўлови кунида ЎЗРМБ курси бўйича миллий валютада тўланади.

4. Кредит қайтарилишини таъминлаш

4.1. Ушбу шартнома бўйича берилган кредит қуйидагилар билан таъминланади:

а) Умумий қиймати _____ (_____ / 00) сўм бўлган Қарз олувчига тегишли бўлган _____ гарови. Банк ва Қарз олувчи ўртасида 20 _____ йил _____ да имзоланган 1-сонли гаров мулки қийматини келишиш далолатномасига мувофиқ гаров предметининг келишилган гаров қиймати _____ (_____ / 00) сўмни ташкил этади. Кредит таъминоти сифатида тақдим этилаётган юқорида кўрсатилган гаров предмети бўйича гаров шартлари алоҳида Гаров шартномаси билан белгиланади;

б) Умумий қиймати _____ (_____/ 00) сўм бўлган, 3-шахс (гаровга қўювчи) – “_____” га тегишли _____ гарови. Банк, Қарз олувчи ҳамда Гаровга қўювчи ўртасида 20__ йил _____ да имзоланган 1-сонли гаров мулки қийматини келишиш далолатномасига мувофиқ гаров предметининг келишилган гаров қиймати _____ (_____/ 00) сўмни ташкил этади. Кредит таъминоти сифатида тақдим этилаётган юқорида кўрсатилган гаров предмети бўйича гаров шартлари алоҳида Гаров шартномаси билан белгиланади;

в) Мулк ҳуқуқи асосида мулкдор “_____”га тегишли бўлган, _____ шаҳри, _____ тумани, _____ -уй манзилида жойлашган, умумий қиймати Банк ва Қарз олувчи (Гаровга қўювчи - агар гаровга қўювчи 3-шахс бўлса) ўртасида 20__ йил _____ да имзоланган 1-сонли гаров мулки қийматини келишиш далолатномасига мувофиқ гаров мулкининг келишилган гаров қиймати _____ (_____/ 00) сўмни ташкил этадиган қўчмас мулк гарови (ипотека).

Гаровнинг (ипотека) ўзига хос шартлари нотариал тасдиқланган гаров (ипотека) шартномаси билан белгиланади. Қарз олувчи, Гаров предметини кредит шартномасининг амал қилиш муддатлари даврига мос равишда суғурталаш шarti билан Банк томонидан мақулланган суғурта компанияси орқали суғурталаш мажбуриятини ўзига олади. Мазкур суғурта шартномаси бўйича Суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда Фойда кўрувчи Банк ҳисобланади. Қарз олувчи томонидан Гаров предмети юзасидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган суғурта шартномаси, суғурта полиси ва нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров (ипотека) шартномаси Банкка мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб _____ календарь куни ичида/кредит маблағларини тақдим этгунга қадар/тақдим этилиши лозим.

г) Банк ва Қарз олувчи/Гаровга қўювчи (агар гаровга қўювчи 3-шахс бўлса) ўртасида 20__ йил _____ да имзоланган 1-сонли гаров мулки қийматини келишиш далолатномасига мувофиқ гаров мулкининг _____ келишилган _____ гаров _____ қиймати _____ (_____/ 00) сўмни ташкил этадиган, номинал қиймати _____ (_____, 00 тийин) сўм бўлган, “Эмитент номи” томонидан чиқарилган ҳамда “Акция соҳиби”га тегишли бўлган 1000 дона оддий, эгаси ёзилган/ёзилмаган Акциялар гарови (кейинчалик Гаров предмети). Кредит таъминоти сифатида тақдим этилаётган юқорида кўрсатилган гаров предмети бўйича гаров шартлари алоҳида Гаров шартномаси билан белгиланади;

д) “_____”(кейинчалик кафиллик берувчи)нинг умумий суммаси _____ (_____, 00 тийин) бўлган Кафиллиги. Кафиллиқнинг ўзига хос шартлари Банк, Қарздор ва Кафил ўртасида тузиладиган тегишли Кафиллик шартномасида белгиланади.

е) Банк ва Қарз олувчи/Гаровга қўювчи (агар гаровга қўювчи 3-шахс бўлса) ўртасида 20__ йил _____ да имзоланган 1-сонли гаров мулки қийматини келишиш далолатномасига мувофиқ гаров предметининг _____ келишилган _____ гаров _____ қиймати _____ (_____/ 00) сўмни ташкил этган, 20__ йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами _____, ранги _____, двигатель рақами _____, кузов рақами _____ бўлган “_____” _____ га тегишли бўлган, _____ русумли автомашина/маҳсус техника гарови. Гаровнинг ўзига хос шартлари нотариал тасдиқланган гаров шартномаси билан белгиланади. Қарз олувчи, Гаров предметини кредит шартномасининг амал қилиш муддатлари даврига мос равишда суғурталаш шarti билан Банк томонидан мақулланган суғурта компанияси орқали суғурталаш мажбуриятини ўзига олади. Мазкур суғурта шартномаси бўйича Суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда Фойда кўрувчи томон Банк ҳисобланади. Қарз олувчи томонидан Гаров предмети юзасидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган суғурта шартномаси, суғурта полиси ва нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров шартномаси Банкка мазкур шартнома имзоланганидан бошлаб, _____ календарь куни ичида/кредит маблағларини тақдим этилгунга қадар/тақдим этилиши лозим;

ж) Қарз олувчига ажратилаётган кредит ҳисобига 20__ йил _____ даги _____ -сонли шартномага асосан “Сотувчидан” _____ (_____) сўмга сотиб олинаётган автомашина/маҳсус техника (Кейинчалик гаров предмети) гарови. Гаров предмети келишилган гаров қийматида - _____ (_____/ 00) сўм қабул қилинади.

Гаровнинг ўзига хос шартлари нотариал тасдиқланган гаров шартномаси билан белгиланади. Қарз олувчи, Гаров предметини кредит шартномасининг амал қилиш муддатлари даврига мос равишда суғурталаш шarti билан Банк томонидан мақулланган суғурта компанияси орқали суғурталаш мажбуриятини ўзига олади. Мазкур суғурта шартномаси бўйича Суғурта ҳодисаси содир бўлган

тақдирда Фойда кўрувчи томон Банк ҳисобланади. Қарз олувчи томонидан Гаров предмети юзасидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган суғурта шартномаси, суғурта полиси ва нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров шартномаси Банкка мазкур шартнома имзоланганидан бошлаб, ____ календарь куни ичида/кредит маблағлари тақдим этилгунга қадар/тақдим этилиши лозим;

з) “____” Суғурта Компанияси (кейинчалик “Суғурта қилдирувчи”) нинг ____ сўм қийматидаги, кредитнинг қайтмаслиги хавф-хатаридан Суғурта полиси. Ушбу шартнома имзолаган санадан бошлаб ____ календар куни мобайнида/кредит маблағлари берилгунга қадар Банк Суғурта қилдирувчи билан қиймати ____ сўм бўлган кредитнинг қайтмаслиги хавф-хатари юзасидан суғурта шартномасини тузади ва суғурта мукофотини Суғурта қилдирувчига тўлаб беради, Қарз олувчи эса Банк томонидан тўланган суғурта мукофоти суммасини ўша куннинг ўзида қоплаб беради.

и) ____ сўм миқдоридаги Гаров депозити.

4.2. Агар Қарз олувчи ушбу шартномада ва/ёки унинг кредит қайтариш жадвалида кўрсатилган муддатларда кредит бўйича асосий қарзни ва/ёки кредит фоизларини тўлаш қобилиятига эга бўлмаса/тўловларни амалга ошира олмаса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Банк ундирувчи мазкур шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган Кредит таъминотига қаратиш бўйича мутлоқ ҳуқуққа эга бўлади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Қарз олувчи мазкур шартнома доирасида ўз мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан ўзига тегишли ва ундирувга қаратилиши мумкин бўлган барча мол-мулки билан жавобгардир.

5. Банкнинг мажбуриятлари

Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:

5.1. Ушбу Шартномада кўзда тутилган миқдорда ҳамда шартларда Қарз олувчига кредит маблағларини ажратиш.

Банк ўзининг ушбу банддаги мажбуриятини, қуйидаги шартлар амалга оширилгандан сўнг, бажаради:

- Қарз олувчининг кредит лойиҳасини Агентлик ва ХТТБ томонидан тасдиқланган ва зарур миқдордаги маблағлар Банкга ўтказилган ҳолларда;

- Ушбу шартноманинг 4-бандига мувофиқ Қарздор ва учинчи шахслар томонидан кредит таъминоти бўйича Банкка тақдим этилиши юзасидан белгиланган барча мажбуриятлар бажарилган ҳамда Қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашуви аломатлари бўлмаган ҳолларда.

5.2. Ушбу шартномага мувофиқ кредит маблағларининг амалдаги қолдиғига фоизларни ҳисоблаш.

5.3. Олинган кредитнинг ҳисобини юритиш учун Қарз олувчининг номига ссуда ҳисоб рақамини очиш ва лозим ҳолларда бу ҳисоб айланмаси кўчирмаси маълумотларини Қарз олувчининг сўровига мувофиқ тақдим этиб бориш. Қарз олувчининг ҳисобварағи бўйича банк кўчирмаси агар аниқ хатоликлар мавжуд бўлмаса, ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчининг тўлов мажбуриятлари пайдо бўлишининг ёки бажарилишининг якуний далили ҳисобланади.

5.4. Қарз олувчига Банк томонидан кредитни муддатида олдин қайтариб олиш асослари ва сабаблари бўйича хабар бериш.

6. Банкнинг ҳуқуқлари

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.1. Кредитлаш даврида Банк Қарз олувчининг молия-хўжалик фаолиятини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳолатини, кредитдан мақсадли фойдаланилганлигини текширишга ҳақли. Шу билан бирга, Қарз олувчи кредит лойиҳаси доирасида Банк ўзи ёки Агентлик ва ХТТБ нинг вакиллари билан биргаликда, кредит лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда ушбу лойиҳасига тегишли товарлар ва майдонлар, амалга оширилган ишлар, режалар бажарилиши ва қурилиш ишлари бўйича тегишли ҳужжатларни ва маълумотларни текширувдан ўтказишга ҳақли.

6.2. Банк кредитлашнинг бутун даври мобайнида кредит таъминоти ва унинг сақланиши ҳолатини, таъминотнинг етарлилиги ва ликвидлилигини, шунингдек гаров шартномаси бўйича Қарз олувчи томонидан ўзига олинган мажбуриятларнинг бажарилишини вақти-вақти билан текшириб боради. Текширувларни ўтказиш даврийлиги Банк томонидан белгиланади.

6.3. Агар тўлов ҳужжатлари мазкур шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид равишда расмийлаштирилган тақдирда, Банк Қарз олувчига унинг ссуда ҳисоб рақамидан тўловларни ўтказиб беришни рад этиш ҳуқуқига эга.

6.4. Кредит бўйича асосий қарз ёки ҳисобланган фоизларни тўлаш муддати келганида, Банк асосий қарз, ҳисобланган фоизлар ва кредит бўйича бошқа тўловларни ундириш учун Қарз олувчининг банкда очилган талаб қилиб олгунгача бўлган депозит ҳисоб варақларидан, агар уларда маблағлар мавжуд бўлмаган ҳолларда бошқа банкларда очилган барча ҳисобварақлардан маблағларни сўзсиз, ҳеч қандай шартларсиз ва акцептсиз равишда кўчириш бўйича мутлоқ ҳуқуққа эга бўлади.

6.5. Агар шартлар Ўзбекистон Республикаси, ХТТБ ва/ёки Агентлик томонидан ўзгартирилган ёки қайта кўриб чиқилган бўлса, кредитнинг шартларини ўзгартириш.

6.6. Қуйидаги ҳолларда:

- ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчи зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги/тўлиқ ва тегишли даражада бажарилмаслиги ва/ёки бузилиши;
- қарз олувчи молиявий аҳволининг ёмонлашуви, Қарздорнинг банкротлиги;
- кредит таъминотининг ликвидлиги, қийматини ва ҳақиқийлигининг йўқотилиши, гаров предметининг қисман ёки тўлиқ зарарланиши (йўқотилиши);
- қарз олувчи томонидан Банкка ишончсиз/ноўғри маълумотларни тақдим этиш ҳолатларининг Банк томонидан аниқланиши;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг эътиборсиз қолдирилиши, Банкка ҳисоботларнинг тақдим этилмаслиги, Қарздорнинг банк назоратидан бош тортиши;
- банк томонидан кредит ресурсларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланиши;
- асосий қарз, фоизларни ўз вақтида тўланмаслиги;
- Қарз олувчининг Банкни ёзма равишда огоҳлантирмаган ҳолда ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгартирилиши, қайта ташкил этилиши (бошқа корхоналарга қўшилиб кетилиши, ажралиб чиқиши, алмаштирилиши), тугатилиши;
- Қарз олувчи ёки учинчи шахсларга нисбатан Қарз олувчи билан боғлиқ ҳолда бирон-бир тарзда даъво ёки иш қўзғатилиши натижасида Қарз олувчининг ҳар қандай мол-мулки ўз кредиторлари орасида тақсимланиши мумкин бўлса ҳамда бу ҳолат қарздорнинг мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши;
- кредитни қайтармаслик хавфини оширадиган ҳар қандай омилларнинг пайдо бўлиши;
- Суғурта компаниясининг суғурта қопламасини тўлиқ ёки қисман тўлаш бўйича мажбуриятларининг тугатилиши;
- кредитнинг қайтарилмаслик хавфи юзасидан суғурта шартномасининг бекор қилиниши ёки амал қилишининг тугаши;
- Қарз олувчи томонидан пул айланмаларининг асосий қисмини АТБ “ASIA ALLIANCE BANK” тизимида амалга оширмаслиги.
- агар қарз олувчи болалар ва мажбурий меҳнат тўғрисидаги қонун ва қоидаларга риоя қилмаса.

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- кредит бўйича асосий қарз, улар бўйича ҳисобланган фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни тўлашга йўналтириш учун Қарздорнинг ҳар қандай ҳисобварағидан маблағларни сўзсиз равишда ҳисобдан чиқариш;
- ушбу шартнома бўйича янги маблағларни ва/ёки янги кредитларни берилишини тўхтатиш;
- кредитни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш, шу жумладан кредитни муддатидан олдин қайтаришни тўлиқ ёки қисман гаров предметиға, Кафилга ва/ёки Суғурта қилувчига қаратиш. Ушбу ҳолатда Банк Қарздорға кредит бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажариш учун 5 (беш) календар кунлик муддат берган ҳолда кредитни муддатидан олдин қайтариш тўғрисидаги талабнома юборади.

Ушбу ҳолатда қарздор кредит қарздорлигини ва ҳисобланган фоизларни қайтариб бериши, тегишли хабарнома олинган кундан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида тўлаши шарт.

6.7. Қарз олувчини имкон борича қисқа вақт ичида хабардор қилиш учун қарз олувчининг кредитдан тўлиқ ёки қисман фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўяди ёки тугатади:

- Агар кредитнинг биринчи ўзлаштирилиши, ушбу шартноманинг 2.2.-бандида белгиланган муддатларда амалга оширилмаган бўлса;
- Агар, ушбу шартноманинг 6.6.-бандида белгиланган, ҳар қандай ҳолат юзага келган бўлса ёки ушбу ҳолатлар давом этаётган бўлса ёки банкнинг асослантирилган фикрига қўра муқаррар бўлса.

6.8. Қарз олувчига нисбатан ушбу шартномада кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик. Ушбу ҳуқуқларнинг банк томонидан қўлланмаслиги ёки қисман қўлланилиши бу ҳуқуқлардан воз кечишни англатмайди ва улар исталган вақтда қўлланилиши мумкин.

7. Қарз олувчининг мажбуриятлари

Қарз олувчи қуйдаги мажбуриятларни олади:

7.1. Кредитдан фойдаланиш жараёнида муддатлилик, қайтаришлилик, мақсадлилик, тўловлилик ҳамда таъминланганлик каби кредит беришнинг асосий тамойилларига риоя қилиш.

7.2. Агентлик ва ХТТБ томонидан кредит лойиҳасини тасдиқлаш учун Банкнинг талабига асосан Қарз олувчи томонидан унинг маъмурий, операцион ва молиявий ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда кредит лойиҳасини амалга оширилиши натижасида режалаштирилаётган ижобий натижаларни белгиловчи барча ҳужжатларни тақдим этилиши.

7.3. Кредитдан ушбу шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланиш.

7.4. Кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизларни мунтазам ва ўз муддатида тўлаб бориш, олинган кредит ва фоизларни ушбу шартномада белгиланган муддатларда қайтариш.

7.5. Кредитлаш даврида кредит маблағлари, фоизлар ва комиссиялар тўлиқ қоплангунига қадар, Банкда очилган депозит ҳисобварағида кредит қарздорликларини тўлаш учун етарли миқдордаги пул маблағлари мавжуд бўлишини таъминлаш.

7.6. Лойиҳани амалга ошириш учун лойиҳа умумий қийматининг 20%дан кам бўлмаган миқдорда пул маблағи ёки мол-мулкнинг натура кўринишдаги ифодасида ўз маблағлари ҳисобидан сармоя қўшиш.

7.7. ХТТБ учун қониқарли бўлган техник, иқтисодий, молиявий, экологик ва савдо стандартларига, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, тегишли миллий ва халқаро қонунларга, мажбурий ва болалар меҳнати бўйича норматив ҳужжатларга мувофиқ кредит лойиҳасини самарали амалга ошириш.

7.8. Кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган маҳсулотлар/хизматларни, Банкнинг йўриқномаларига ва Низомнинг Х бўлимида кўрсатилган харид қилиш бўйича кўрсатмаларига мувофиқ сотиб олинади, шунингдек сотиб олинган маҳсулотлар/хизматлар фақат лойиҳани амалга ошириш мақсадида фойдаланилади.

7.9. Кредит лойиҳаси доирасида, 2017 йил 31 октябрда ХТТБ томонидан мақуullanган Коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрсатмаларига ва Экологик ва ижтимоий бошқарувига оид дастурига мувофиқ ишларини амалга ошириш.

7.10. Кредит лойиҳасининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш мақсадида Агентлик томонидан белгилаб ўтилган кўрсатмаларга асосан барча чораларни кўриш.

7.11. Агар лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири юқори ёки сезиларли даражада аниқланса, атроф-муҳитга таъсирини тўлиқ баҳолаш, шунингдек ижтимоий ва экологик бошқарув режасини тузиш.

7.12. Агар кредит лойиҳа Низомда кўрсатилган В тоифасига тегишли бўлса, атроф-муҳит ва ижтимоий бошқарув режасини (АМИБР) оммавий равишда ошкор қилиш ва Низомнинг 59-бандига мувофиқ жамоат маслаҳатларини ўтказиш.

7.13. Низомнинг 60-бандига мувофиқ АМИБР (агар мавжуд бўлса) бажарилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш.

7.14. Банк/ХТТБга маълум бўлган кредит маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фирибгарлик ва коррупцияга оид ҳар қандай маълумотларни дарҳол хабар қилиш.

7.15. Кредит маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фирибгарлик ва коррупцияга оид маълумотларни текширишда Банк/ХТТБнинг ваколатли вакиллари билан тўлиқ ҳамкорлик қилиш, шунингдек Низомнинг 66-бандида кўрсатилган бошқа талабларни бажариш.

7.16. Молиявий ҳисоботни тегишли даражада юритиш, шу жумладан кредит лойиҳаси билан боғлиқ тегишли амалиётларни балансда тўғри акс эттириш.

7.17. Шахсан Банк вакилларига ёки Агентлик ва ХТТБ нинг вакиллари билан биргаликда, кредит лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда ушбу лойиҳага тегишли товарлар ва майдонлар, амалга оширилган ишлар, режалар бажарилиши ва қурилиш ишлари бўйича тегишли ҳужжатларни ва маълумотларни текширишга рухсат бериш;

7.18. Молиялаштирилган лойиҳанинг болалар ва мажбурий меҳнат, ерларни сотиб олиш ёки одамларни кўчириш, активлар ёки даромадларни йўқотиш, ер ва биноларни сотиб олиш ёки ижарага олиш, уй-жой қуриш ёки ободонлаштириш, мавжуд қарзларни қайта молиялаштириш, атроф-муҳитга зарар етказадиган сармояларнинг салбий рўйхатига киритилмаслигини таъминлаш.

7.19. Бошқа банкларда ҳисобрақамлар очилган тақдирда, ушбу ҳисоб рақамлар очилган кундан бошлаб 5 (беш) календар кунидан ошмаган муддат ичида Банкни хабардор қилиш.

7.20. Ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши, корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш юзасидан қутилаётган ўзгаришлар бўйича Банкни олдиндан огоҳлантириш, шунингдек, Банк билан

олдиндан келишмасдан ҳамда унинг ёзма рухсатини олмасдан туриб ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчига юклатилган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш қобилиятига салбий таъсир килиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик.

7.21. Ушбу шартнома муддати давомида, тақдим этилган лойиҳанинг ТИА/Бизнес-режаси курсаткичларига қатъий риоя қилиш.

7.22. Кредит таъминотини кредит маблағининг камида 125% миқдорида бўлишини таъминлаш.

7.23. Банкнинг олдиндан розилигини олмасдан туриб, учинчи шахслар олдида мажбуриятларни бажариш кафолати сифатида ўзининг ҳар қандай мол-мулкани гаровга тақдим қилмаслик, учинчи шахсларнинг мажбуриятлари бўйича Кафил бўлмаслик ёки Кафолат бермаслик.

7.24. Банк томонидан гаровга қабул қилинадиган мулкни Банкка мақул бўлган шартлар асосида суғурталаш.

7.25. Банк томонидан суғурта шартномаси бўйича тўлаб берилган суғурта тўловларини харажатларни қоплаб берилиши талаб қилинган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни давомида қоплаб бериш.

7.26. Банкнинг талабига кўра ҳар қандай молиявий, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни ҳамда маълумотларни зудлик билан тақдим этиш, зарур бўлган ҳолларда Банкнинг ўзига ёки банк ишонч билдирган ташкилотга бундай ҳужжатлар билан жойига бориб танишиш ва текширишга, шунингдек, мазкур шартноманинг 6.2-бандида кўрсатиб ўтилган ҳолатларга ойдинлик киритиш юзасидан бошқа ҳаракатларни амалга оширишга шарт-шароит яратиш бериш.

7.27. Ушбу шартноманинг 6.2-бандида кўрсатиб ўтилган Банкнинг назорат функцияларини амалга ошириш учун, Банкка қуйидагиларни:

- барча иловаларини ўз ичига олган ҳар чораклик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни;
- асосий воситалари ёйилмаси (баланс қиймати кўрсатилган ҳолда);
- муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича чораклик ёйилма маълумотларни;
- банкнинг талабига кўра Қарз олувчининг молия-хўжалик фаолияти юзасидан бошқа керакли маълумотларни тақдим этиб бориш.

Банкка тақдим этилган ҳар қандай маълумотларнинг қонуний ва тўғрилиги юзасидан маъсулият ва жавобгарлик Қарз олувчи зиммасига юклатилади.

7.28. Банк, Агентлик ва ХТТБ вакиллариға Қарз олувчининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни ва маълумотларни текширишга рухсат бериш;

7.29. Текширишларни амалга ошириш учун Банк, Агентлик ва ХТТБ ходимларига хизмат хоналарига, ишлаб чиқариш, омборхона ва бошқа биноларга киришларига шароит яратиш. Текширишларни ўтказиш вақти ва саналари Банк томонидан мустақил равишда белгиланади.

7.30. Банк, Агентлик ва ХТТБ томонидан кредит лойиҳасининг бажарилиши мониторинг қилиш ва баҳолаш имкониятини таъминлаш бўйича барча талабларини бажариш.

7.31. Кредитни ўзлаштиришдан қисман ёки тўлиқ рад этиш билан боғлиқ барча харажатларни Банкка қоплаш.

7.32. Бюджет ҳамда бюджетдан ташқари фондлар ва контрагентлар олдида юзага келган муддати ўтган қарздорликнинг келиб чиқиши ва миқдори ҳақида дарҳол Банкка хабар қилиш.

7.33. Корхона реквизитлари (номи, жойлашган манзили ва почта манзили), Раҳбарият ва таъсисчилар таркибида юзага келиши кутилаётган ўзгаришлар бўйича Банкка ёзма равишда, шунингдек бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб 3 (уч) календар куни ичида тегишли ўзгаришларнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш.

7.34. Ушбу шартнома доирасида Қарз олувчи мажбуриятларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши қобилиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча ҳодисалар ва омилларни Банкка маълум қилади.

7.35. Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш учун Банк талаби бўйича Қарз олувчи қуйидаги ҳолларда қўшимча таъминот тақдим этиш мажбуриятини олади:

- Қарз олувчи молиявий аҳволининг ёмонлашуви;
- Кафилнинг ёки Суғурта қилувчи молиявий аҳволининг ёмонлашуви ёки банкротлиги;
- гаров таъминоти қийматининг камайиши (бозор нархининг пасайиши), гаров предметининг қисман ёки тўлиқ зарар кўриши ёки йўқотилиши;
- суғурта шартномасининг бекор қилиниши;
- кредитнинг қайтмаслик хатарини оширувчи бошқа омилларнинг юзага келиши.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларда, шунингдек, гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқотилиши ва/ёки қисман зарарланиши ва/ёки унинг бозор қийматининг пасайиши ҳолатларида, Қарз олувчи бир пайтнинг ўзида Гаровга кўювчи бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, Банк томонидан тегишли талаб юборилган кундан бошлаб 10 (ўн) календар кун ичида Банкни қониктирадиган даражадаги қўшимча таъминотни тақдим этиши шарт.

7.36. Қарз олувчи молиявий ҳолатининг ёмонлашувига ҳамда Банк олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олмаслик хавфини ортишига олиб келувчи ҳар қандай мажбурият ва вазифаларни қабул қилмаслик.

7.37. Қарз олувчининг ташаббуси билан кредит шартлари ўзгарган тақдирда, Банк Тарифларига мувофиқ банк комиссиясини тўлаш.

7.39. Тўғридан-тўғри назарда тутилган ёки Низомнинг маъносидан келиб чиққан ҳолда бошқа мажбуриятларни бажариш.

8. Қарздорнинг ҳуқуқлари

Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ кредит олиш ва ушбу шартноманинг 2.2-бандида кўрсатиб ўтилган кредит муддати давомида кредитдан фойдаланиш.

8.2. Банк ушбу шартнома ёки Қарз олувчининг кўрсатмаси асосида ҳеч қандай учинчи шахс олдида қарз маблағларини тўлаш бўйича қайтариб бўлмайдиган мажбурият ёки ваколат бермаган тақдирда, Банк билан барча ҳисоб китобларни амалга оширилаётганда, Банкга ёзма равишда хабар бериб, қисман ёки тўлиқ равишда кредитдан фойдаланмаслик. Қарз олувчи Банкга кредитдан фойдаланишни бекор қилиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

8.3. Кредит қарздорлигини қисман ёки тўлиқ равишда ўз муддатидан олдин қайтариш. Кредитни муддатидан олдин қайтариш мазкур шартноманинг 3.8. бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

8.4. Банкдан кредит қарздорлигини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тўғрисида маълумотни талаб қилиш.

9. Томонларнинг мажбуриятлари

9.1. Шартнома мажбуриятлари томонларнинг бири томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ушбу томон бошқа томонга етказилган зарарларни қоплаб беради, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

9.2. Мазкур шартноманинг 7.3,7.24.,7.25-бандларида назарда тутилган мажбуриятларни бузганлик учун Банк Қарз олувчидан амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробари миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

10. Бошқа шартлар

10.1. Ушбу Шартномани имзолаш орқали Қарз олувчи, мазкур Шартнома матнида кўрсатилган, барча ҳужжатлар билан танишганини тасдиқлайди.

10.2. Банк томонидан Қарз олувчининг Банкка маълум бўлган сўнгги манзилига юборилган ҳар қандай ёзишмалар, шунингдек билдирилган ҳар қандай хабар юборилган кундан бошлаб учинчи иш кунига Қарз олувчи томонидан қабул қилинган деб, Банк томонидан етказилган деб ҳисобланади. Юборилган хат санаси Почта муҳри бўйича аниқланади.

10.3. Ушбу шартнома ҳар икки томон имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва Қарз олувчи ушбу Шартномага мувофиқ Банк олдида олган барча мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

10.4. Агар томонлардан бирортаси юридик шахс сифатида фаолият юритишни тўхтатган ёки унинг юридик мавқеига бошқа ўзгартиришлар киритилган тақдирда, у ушбу шартнома доирасида бошқа томоннинг олдидаги ўз мажбуриятларини ўзининг фаолиятини тугатгунга қадар (ўзгартиришлар киритилгунга қадар) бажариб қўйиши шарт, фақатгина бу мажбуриятлар тугатилаётган (ўзгариш киритилаётган) томоннинг ҳуқуқий вориси зиммасига юклатилган ҳолатлар бундан мустасно.

10.5. Ушбу билан Қарз олувчи, кредит лойиҳаси бўйича барча зарур маълумотларни Агентликга ва ХТТБга ҳамда Банк томонидан кредит тарихини шакллантириш учун кредит шартномасининг имзоланиши шартлари, тақдим этилган таъминот ҳамда мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ маълумотларни Кредит ахбороти давлат реестри, Кредит бюроси, Гаров реестрига тақдим этишга ўз розилигини билдиради.

10.6. Томонлар ўртасида қелишмовчиликлар юзага келган ҳолларда ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ низолар «DS Legal Centre» МЧЖ ҳузуридаги доимий ишлайдиган ҳакамлик судида ёки Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

«DS Legal Centre» МЧЖ ҳузуридаги доимий ишлайдиган ҳакамлик судига ёки Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судига даъво аризасини беришни танлаш ҳукуқи даъвогарга тегишли.

«DS Legal Centre» МЧЖ ҳузуридаги доимий ишлайдиган ҳакамлик судида ишни кўриб чиқишда ишни ягона ҳакам Хайдаров Жаҳонбек Жовлиевич томонидан «DS Legal Centre» МЧЖ ҳузуридаги доимий ишлайдиган ҳакамлик суди қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилади.

10.7. Томонлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда икки томоннинг мажбуриятларини асослашда банк ёзувлари устуворликка эга.

10.8. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, улар ёзма шаклда тузилган ва тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

10.9. Ушбу шартнома ҳар бир томон учун биттадан, жами иккита асл нусхада тузилди.

10.10. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

10.11. Мазкур шартномада кўрсатилмаган ҳолатларда томонлар муносабатларини тартибга солиш учун томонлар Низомни қўллайдилар.

10.12. Томонлар мазкур Шартнома туфайли маълум бўлган ҳар қандай тижорат ва/ёки банк сирини бошқа томонларнинг олдиндан ёзма розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас.

11. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

БАНК:

ҚАРЗ ОЛУВЧИ:

_____ филиал «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Манзил: _____ _____ _____ СТИР: _____ ХХТУТ: _____ Банк коди: _____ Телефон: _____ _____ _____ М.Ў.	«_____» МЧЖ Манзил: _____ _____ СТИР: _____ ХХТУТ: _____ Ҳисоб рақам: _____ в _____ «_____» Банк коди: _____ Директор _____ Бош бухгалтер _____ М.Ў.
---	--

1. Таъминлаш турлари ҳар бир аниқ ҳолатда алоҳида кўрсатилади.
2. Тошкент шаҳридан ташқарида жойлашган филиаллар учун шартноманинг 10.6. бандида ҳудудий иқтисодий суд кўрсатилсин.